



ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДА АБУ ҲАФС НАСАФИЙ “АЛ-ЯВОҚИТ ФИ-Л-МАВОҚИТ” АСАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10396616>

Махсумхонов Раҳматхон Аҳмаджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Абу Ҳафс Насафийдан катта илмий мероси қолгани ва улар ичида ал-Явоқит фил мавоқит” асарининг ўрни, асар орқали ўша даврга хос илмий терминлар, илм марказлари ва олимлари хусусида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ўша даврда мавжуд бўлган географик жой номлари ўрганилиб, ҳозирги кундаги ҳудудлар билан қиёсланди.

Калит сўзлар

Кушония, Зандана, Иштихон, Ригадмун, Касба, Жавбак, Кохуштувон.

Қомусий олим Абу Ҳафс Насафий ўзидан сермаҳсул ижод намуналарини қолдирган. Турли манбаларда унинг 100 дан ортиқ китоби бор экани келган. Олим ёзган асарларига қараб факих, адаб, усул олими, мутакаллим, муфассир, муҳаддис, нахв олими, лугат олими, тарихчи сингари унвонлар билан тилга олинади.

“Ал-Явоқит фи-л-мавоқит” асари олим яшаган даврдаги ҳадис китобларининг ёзилиш услуби, дарс ўтиш дастури қандай бўлганини билдириш баробарида таниқли муҳаддислар ва ҳадис санадлари ҳақида қимматли маълумотларни беради. Шунингдек, санадда келган муҳаддиснинг нисбасига қараб ўша даврда мавжуд бўлган географик жой номларини ҳам аниқлаш мумкин.

Ушбу асар Муҳаммад ибн Умар Кошғарий томонидан 594/1198 йил муҳаррам ойининг бошида талабаларга имло тарзида айтилиши бошланган. Унинг айтишича бу вактда бошлаганига сабаб, Абу Ҳафс Насафий китобнинг биринчи фаслини “Йилнинг биринчи ва охириги куни” деб номлаганига ҳамоҳанг тарзда бўлган. Ўз навбатида Муҳаммад ибн Умар Кошғарийнинг санади Абу Ҳафс Насафийга икки устози орқали боғланади. Бири 560/1165 йил Марғilonда Али ибн Абу Бақр ибн Абдужаліл Марғilonий бўлса, иккинчиси Самарқандда Муҳаммад ибн Абу Бақр ибн Юсуф Малузий эди.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида Р: 3176 ракам остида сақланаётган қўлёзма Муҳаммад ибн Умар Кошғарий ривоятига асосан ёзилган. Ушбу



қўлёзмага кўра Муҳаммад ибн Умар китобни икки марта шогирдларига имло қилиб ёздирган. Дастрраб 594/1198 йил муҳаррам ойида ёздирган бўлса, иккинчи марта 637/1239 йил рамазон ойида имло қилган. Демак, Муҳаммад ибн Умар Кошғарий устозидан ижоза олганидан 34 йил ўтганидан сўнг биринчи марта, 77 йил ўтгандан сўнг иккинчи марта имло қилган. Қўлёzmанинг охирги варакида “Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Ушбу шарафли китоб ҳижрий 649/1251 йил муҳаррам ойининг 25 куни душанба куни Аллоҳнинг энг заиф қули Али ибн Ҳаким томонидан кўчирилди” деб ёзиб қўйилган. Бундан маълум бўладики ушбу қўлёзма муаллиф яшаган даврга яқин ва қадимий манба ҳисобланади. Қолаверса, Ўрта Осиёга мўғилларнинг истилоси даврида илм ахли ва китоблар таснифи қай ҳолатда бўлганини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

Муаллиф ушбу асарда 1536 та ҳадисни икки юздан ортиқ устозларидан ривоят қиласи. Ушбу ҳадислар ва уларнинг ровийлари орқали ўлка маънавий ҳаётини ўрганиш мумкин.

Хусусан, Абу Ҳафс Насафий “уруш ҳаром қилинган ойлар, улардан бири Ражаб ойи” деган фаслда устози Шайх, Имом, Ҳатиб каби сифатлар билан тилга олган Абу Содик Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али Занданийдан ҳадис ривоят қиласи. Ушбу ровийнинг нисбасига эътибор берилса, Зандан ёки Зандана деган жойга мансублиги келиб чиқади. Тарихий манбаларда бу жой Бухородаги бир қишлоқ номи деб келган. Зандан қишлоқ сифатида тилга олинсада, аслида маънавий ва иқтисодий жабҳада ривожланган худуд бўлган. Занданий нисбаси билан машҳур бўлган қўплаб муҳаддислар етишиб чиқсан. Уларга Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдон Бухорий Занданий, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Мусо ибн Хотим ва унинг амакиваччаси Муҳаммад ибн Саъид ибн Хотим каби ҳадис илми олимларини келтириш мумкин. Шунингдек, Мовароуннаҳр қориси сифатида танилган Муҳаммад ибн Муҳаммад Занданий ва Абу Тоҳир Наср ибн Али ибн Иброҳим Занданийлар Куръон илмларининг кенг тарқалишида хизматлари бекиёс. Хусусан, Абу Тоҳир Наср ибн Али араб тили грамматикаси олими ва қироат ровийларидан бўлган Абу Али Кисоийдан Куръон қироати борасида ижоза олган ва Мовароуннаҳрда қироат илмининг ривожланишида катта ҳисса қўшган. Қолаверса, Зандан худуди ҳунармандчиликда ҳам нуфузли мавқега эга бўлган. “Зандажанийя” номи билан машҳур бўлган мато айнан мана шу ерда ишлаб чиқарилган.

Юқоридаги ҳадисни Абу Содик Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али Занданий ўз устози Абу Саъид Бакр ибн Марзубон Иштихонийдан ривоят қиласи. Бу олим Иштихон деган жойга мансуб бўлган. Иштихон қадимий шаҳар бўлиб, Самарқанддан етти фарсах узоқликда жойлашган. Марказ Самарқанддан



алохида маъмурий бошқарув органларига эга бўлган. Тарихий манбаларда Иштихонга жуда сўлим, табиати гўзal, сербоf, кўплаб қишлоқларни бирлаштирган, боғдорчилик ва зироат билан танилган ҳудуд деб таъриф берилган. Бу ердан кўплаб муҳаддис олимлар етишиб чиқкан. Хусусан, Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад Иштихоний тўрт мазҳаб етакчиларидан бири Мухаммад ибн Идрис Шофеъийнинг шогирди ва айни вактда Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ асСаҳиҳ” асарини Фирабрийдан ривоят қилган. Бундан маълум бўладики, бу ҳудудда шофеъий мазҳабига эргашувчилар ҳам мавжуд бўлган.

Абу Ҳафс Насафий китобнинг аввалида устози Абу Наср Аҳмад ибн Абдураҳмон ибн Исҳоқ Ригадмунийдан ҳадис ривоят қилади ва уни Шайх, Қози, Имом, Жамолиддин (диннинг жамоли) деган сифатлар билан келтирган. Ушбу олим Ригадмун (رَبِّ الْخَدْمَةِ)، (баъзи манбаларда Ригазмун (رَبِّ الْخَدْمَةِ) деб келган)лик бўлиб, ўз даврининг кўзга кўринган алломаси бўлган. Абдулкарим Самъоний уни қўйидагича таърифлаган: “У халқ орасида гўзal Қози номи билан машҳур бўлиб, фазилати юксак, карами кенг, сермулоҳаза, хотиржам имом, ўз даврида Бухоро олимларининг пешвоси, қозилик лавозимига тайинланган, кўплаб шогирдларга ҳадис имло қилган устоз эди”. У туғилган Ригадмун эса, Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ бўлган. У ердан кўплаб олимлар етишиб чиқкан.

Олим устози Шайх, Ҳоким Абу Мухаммад Абдулғаффор ибн Мухаммад ибн Ҳусайн Касбавийдан ҳадис ривоят қилади. Ушбу ровийнинг нисбаси Насаф қишлоқларидан бири бўлган Касба деган жойга нисбатан ишлатилган. Баъзи ўринларда Касбий ёки Касбажий нисбаси билан ҳам келади. Бу қишлоқ Насафдан тўрт фарсах узоқликда жойлашган бўлиб, ўзининг масжиди, минбари ва бозорига эга ҳудуд бўлган. Бундан маълум бўладики, бу жой қишлоқ деб аталгани билан шаҳар мақомида бўлган. Бу ердан Мухаммад ибн Қосим ибн Мансур Касбавий ва “Бўстон” китобининг муаллифи Абу Аҳмад Исо ибн Ҳусайн Касбавий каби олимлар етишиб чиқкан.

Абу Ҳафс Насафий яна бир устози Шайх, Имом, Ҳатиб Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Умар Кушонийдан ҳадис ривоят қилади. Кушоний нисбаси Самарқанд атрофидаги Кушония шаҳрига нисбатан ишлатилган. Бу шаҳар сўғд водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, Самарқанд билан ўртада ўн икки фарсах ва Бухородан икки кунлик масофада жойлашган. Кушония катта марказ бўлиб, турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш мақсадида сафар қилган. Жумладан, Абу Исҳоқ Фарро Балхий шундай дейди: “Мен Абу Али Ҳожибийнинг олдига Кушонияга бордим. У ердагилар уни Бухорога кетганини айтишди. Мен Бухорога бориб ўтирмадим, балки Кушонияда турдим. Унинг ўзи шу ерга қайтиб келди. Унинг олдига



борганимда бемор бўлгани туфайли ҳадис эшитиш насиб этмади. Лекин барча ижозага эга бўлган китобларидан ижоза берди. Бундан маълум бўладики, Кушония талабалар илм олиш учун сафар қиласидиган йирик илмий марказ бўлган. Бу ердан кўплаб олимлар етишиб чиқсан. Улар қаторида Абу Наср Мухаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб Кушоний ва унинг ўғли Абу Али Исмоил ибн Мухаммад Кушонийларни келтириш мумкин. Абу Али Исмоил ибн Мухаммад “Саҳиҳул Бухорий” асарини Фирабройдан охриги бўлиб ривоят қиласидан биринчидан олинишган.

Муаллиф “ал-Явоқит фил мавоқит” асарида Абу Бакр Мухаммад ибн Сулаймон Кохуштувоний (لا کاڅ ش توادی) ёки Кохустувоний (لا کاڅ ش توادی) иштирок этган санад орқали ҳадис ривоят қиласидан. Олимнинг нисбасида келган Кохуштувоний сўзи Кохуштувон деган жойга алоқадор бўлиб, манбаларда Бухоро қишлоқларидан бири сифатида тилга олинган.

Абу Ҳафс Насафий яна бир устози Шайх фақих Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Али Жавбақийдан ҳадис ривоят қиласидан. Олимнинг нисбаси Жавбақ деган жойга нисбатан ишлатилиб, Насаф атрофидаги қишлоқ бўлган. Абдулкарим Самъоний ушбу жойга нисбатан “инсонлар яшайдиган хонага ўхшаш жой бўлса керак” деган тахминни илгари сурган. Ушбу нисба билан қўйидаги олимлар машҳур бўлган: Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир Жавбақий, Абу Наср Аҳмад ибн Али ибн Тоҳир Жавбақий, Абу Иброҳим ибн Аҳмад ибн Али ибн Тоҳир Жавбақий, Абул Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Жавбақий. Ҳусусан, Абу Наср Аҳмад ибн Али Жавбақий шофеъий мазҳаби олими бўлиш билан бир қаторда ҳам адаб, ҳам шоир сифатида танилган эди. Ироқ юртига сафар қилиб у ерлик ва хурросонлик шайхлардан таълим олган. Абу Исҳоқ Марвазийнинг қўлида фикҳ илмини ўрганиб, шофеъий мазҳабидаги етук олим Музанийнинг китобига ёзилган шарҳга иловаларни устозидан ёзиб олган. Сўнг Насафга қайтиб келган. Бу ерда бир неча йил истиқомат қиласидан сўнг ҳаж сафарига отланган. 340/951 йил ҳаж сафаридан қайтаётганда йўлда вафот этади. Ушбу маълумот ҳам ўлкада ҳанафий мазҳаби билан бир қаторда шофеъий мазҳаби кенг тарқалганига далил бўлади. Чунки бундай ҳолат йирик шаҳар ва илм марказларида учрайди. Мисол тариқасида ўз даврида энг йирик шаҳар ва марказ бўлган Бағдод, Басра, Кўфа шаҳарларини олиб қарасак бу ерларда тўрт мазҳаб, балки бошқа танилмаган мазҳабларнинг олимлари фаолият олиб борган. Ўрта Осиёning илм марказлари бўлмиш Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Шош каби шаҳарлар ҳам илмий марказ мақомини сақлаб қолишида рақобат қиласидан биринчидан олинишган.



ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Кафавий. Аълому-л-ахёр. /ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, Р: 91. – Вв. 132-133.
2. Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳия. – Б. 149.
3. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Явоқит фил мавоқит. 2а
4. Ибн Ҳажар. Табсир ал-мунтаbih би таҳрир ал-муштабих. 2/652
5. Муҳаммад ибн Муҳаммад Забидий. Тож ал-урус мин жавоҳир ал-қомус. 35/158
6. Ёкут Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. 1/276.
7. Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб. 3/114.
8. Абдулқодир Кураший. Ал-Жавоҳир ал-мудия фи табақот ал-ҳанафия. 2/68.
9. Жалолиддин Суютий. Луббул лубоб фи таҳрир ал-ансоб. 1/217.
10. Жамолиддин Абдуллоҳ Ҳимярий. Ан-Нисба илал маводиъ вал булдон. 1/210